Изох:

1. Олий таълим муассасаси ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.
2. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари қўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, ҳарбий йиғин эса таътил вакти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун Илмий Кенгашнинг қарори билан фойдаланилади.
3. Ўқув режа асосида олий таълим муассасаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
4. Талаба билимини баҳолаш рейтинг тизимига мувофиқ ўқув жараёни давомида амалга оширилади.
5. Битирув малакавий ишини бажариш муддатлари таркибига уни ҳимоя қилиш ҳам киритилади.
6. Хорижий тил фанининг охирги 7-8-семестрларида битирувчи курслар учун қўшимча фанлар блоки ва танлов фанлари соатлари ҳисобидан ҳар ҳафтадан 2 соатдан "Амалий инглиз тили" фани ўқитилади.
7. *Жисмоний маданият фани таркибида "Валеология асослари" курсидан 10 соат ҳажмда маъруза, 8 соат ҳажмда амалий машғулот ўқитилиши кўзда тутилади.
8. Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.
9. Машғулотлар учун жўрнавозлик соатлари қуйидагича белгиланади:
 - "Вокал ижрочилиги (Академик хонандалик)", "Вокал ижрочилиги (Эстрада хонандалиги)", "Мактаб репертуарини ўрганиш" фанлари учун жўрнавозлик соатлари ўқув режада кўрсатилган умумий вақтнинг 100% ҳисобидан, "Вокал ижрочилиги (Анъанавий хонандалик)" фани учун 200% ҳисобидан белгиланади.
10. Битирув малакавий иши (ижро дастури)га раҳбарлик учун ўқув жараёни жадвалида кўрсатилган 1 ҳафта мобайнида жами 25 соат ажратилади.
11. Санъат соҳасидаги ОТМлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда машғулотлар 2, 3 ва 4-блокларининг айрим фанларида якка тартибда (1 нафар), кичик гуруҳчаларда эса 2-12 нафаргача, гуруҳларда 13-25 нафаргача, бирлашган академик гуруҳларда 100 нафаргача талабага ўтилиши кўзда тутилади.
12. Курс иши (лойиҳаси)ни "Умумкасбий фанлар" ва "Ихтисослик фанлари" блокларидаги фанлар бўйича бериш тавсия этилади.
13. Мусиқа соҳаси хусусиятларидан келиб чиқиб айрим фанлардан мустақил таълимга ажратилган соатлар миқдори назарий таълим учун ажратилган соатлар миқдоридан кўп бўлиши мумкин.
14. Семестрларда кўрсатилган айрим фанлар модул тарзида қисқартирилган муддатларда ўтилиши, ижро дастури билан боғлиқ фанлардан якуний назоратлар назарий ва амалий таълим жараёнида ўтказилиши мумкин.
15. Қўшимча соатлар Аруз ва мумтоз мусиқа, Замонавий мусиқа ва Созгарлик санъати фанларига тақсимлаб берилди.

| Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари | Ҳафталар сони | Семестр | Давлат аттестацияси |
|---|---|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | 40 | 1-10 | 1. Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш, ихтисослик фанларидан Давлат аттестацияси<br>2. Чет тили |
| Ўқув жараёни билан дастлабки танишув | 2 | 1 | |
| Аттестациялар | 10+1=11 | 1-10 | |
| Битирув малакавий иши | 1 | 10 | |
| Жами | 54 | | |

Ўқув ишлари бўйича проректор — А.Зокиров

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти Илмий кенгашида мухокама этилган ва тасдиқланган

2021 йил "20" 08 даги 1 -сонли баённома

Ўқув ишлари бўйича инспектор — К.Комилжонов

Факультет декани — Д.Химматов

Махсус сиртқи бўлим бошлиғи — Ш.Рабимкулов